



## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

**УМУРОВ ШАРИФ РАДЖАБОВИЧ**

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси ассистенти

**Анотация:** Мазкур мақола Россия империяси томонидан Туркистонни ўз мустамлакасига айлантириш билан бирга, илм-фан, маданият ва таълим тизимини ўзгартириш, руслаштириш сиёсатини олиб борганлиги очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Мустамлака, мустамлакачилик сиёсати, руслаштириш, қурилтой, Туркистон ўлкаси, жаҳидчилик, рус тузем мактаби.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч- қувват ва мадад топишда, умумий, ягона мақсад ва орзу- интилиш ифодаси булган миллийликни таянч ва суянч деб билади. Шу навбатда яқин ўтмишимизнинг собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган даври яъни 1917-1991 йиллар, мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Бу йиллар мамлакатимиздаги энг мураккаб ва зиддиятли даврларидан бири десак муболага булмайди. 1917 йил болшевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнтариш собиқ Иттифок халқлари ва шулар қаторида Ўзбекистонни ҳам 130 йил давомида ўз исканжасида ушлаб турди. Ўзбекистонда юз берган мустамлакачилик сиёсати республиканинг маданий ривожига ҳам ўзининг яққолифодасини топди. Бу соҳада ижобий силжишларга эришилган булсада, Ўзбекистоннинг маънавий ҳаёти

ўша даврнинг ҳукмрон сиёсати таъсирида бўлади. Байналминналлик, ҳамдустлик ниқоби остида ўзбек халқини руслаштиришга интилиш рўй берди.

“Халқимизнинг миллий маданий қадриятлари, бой маънавий мероси, унинг қадимий эзгу анъана ва урф-одатлари унитилди. Ислом дини, унинг қадриятлари оёқости қилинди, ўзбек тили иккинчи даражали тилга, рус тили эса давлат тилига айлантирилди”<sup>1</sup>.

Аммо фақат салбий томонлар ҳақида гапирмасдан, ижобийлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз керак. Ўша даврда ўнларча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари очилди, уларда халқ хўжаликлари учун муттахасислар тайёрланади, умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ташкил этилди. Бунинг натижасида аҳолининг таълимий ва маданий савияси ошди.

1917 йилги феврал воқеаларидан кейин Туркистонни қамраб олган “инкилобий” жараёнлар миллий маданият, айниқса халқ таълими соҳасига ҳам дахлдор эди. Бу жараёнларнинг ташаббускорлари миллий демократия вакиллари бўлишди. Ўша даврда Туркистонда аҳоли учун хилма-хил мактаб турлари мавжуд эди, яъни



мактаблар, қорихоналар, мадрасалар, хотин-кизлар мактаблари, янги усул мактаблари ва х.к.

Миллий маданиятнинг энг қадимги ва йирик маркази бўлган Самарқандда мвшхур маърифатпарварлар М. Бехбудий, А.Фитрат, С.Ахмад, С.Сиддикий, А.Шомансурзода, М.Шомуҳаммадзода зудлик билан мактаб ислохотини олға суриш билан майдонга чикдилар. Улар 1917 йил апрел ойидан бошлаб чиқаётган “Хуррият” газетаси саҳифаларида янги усулдаги мактаблардан кенг тармоқларини яратиш зарурлигини илгари сурдилар. “Анжумани маориф” жамиятининг маблағларидан уша даврда “Рушдия” мактаби очилди, унда бепул ўқитилар эди. Абдурауф Фитрат билан Камол Шамсо бу мактабда ўқувчиларга Ислом динини таълимотини ва тарихини, мусулмон ҳуқуқини, турк ва араб, форс тилларини, арифметика, геометрия, география, тарихни ўргатар эдилар. 1917 йил феврал билан октябр орасида Туркистоннинг йирик шаҳарларида турли тилларда дарс бериладиган хусусий мактаблар очилди. Лекин малакали мутахассислар етишмаслиги сабаб энди ўқитувчи кадрлар тайерлаш марказлари очила бошлади. Шулардан 1917 йил июл ойида Самарқандда “Нашри маориф” жамияти ўқитувчилар тайерлаш курсларини ташкил этди.

Туркистоннинг маркази-Тошкентда 1917 йил 9-14 май кунлари уқитувчиларнинг 1-ўлка курилтойи бўлиб ўтди ва ўша ерда “Туркистон ўқитувчилар иттифоқини” ташкил этди. Орадан куп ўтмай, 1917 йил 20 майдан 23 майгача Тошкентда мусулмон ўқитувчилари курултойи бўлиб ўтди. Курултой қарорларида асосан рус тузем

мактабларини миллий мактаблар билан алмаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Октябр тунтаришидан сунг янги совет мактабини ташкил этиш вазифаси илгари сурилди. 1918 йилнинг мартагача Туркистонда васийлик қўмитаси мавжуд бўлиб турди. 1918 йилнинг 23 мартада РСФСР Маориф халқ комиссарлиги “фармойишига биноан” Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлиги Кенгаши (ХКК) Ўлка халқ таълими кенгаши ташкил этиш ҳақида буйруқ чиқарди. Мазкур кенгаш Туркистон худудида халқ таълими тизимига раҳбарлик қилиши лозим эди. Болшевикларнинг эски мактабга душманлиги, хусусий ўқув юртларига бўлган муносибатда анча кескин намоён бўлди.

Х.К.К нинг 1918 йил 14 майдаги буйруғи билан ягона умумий мактабни ташкил этишга киришилди. Турли ўқув юртларда ёши, миллати, динидан фарқ қилмай ҳамма ўқиши мумкин бўлди. Июнь ойида Маориф барча мактабларни бепул ўқитиш системасига жорий этди. Эндиликда мактаблар икки гуруҳга: эски усул мактаблари ва янги усул (жадид) мактабларига бўлинишди. 1918 йилда ўқитувчиларнинг ўзлари дастурлар ва ўқув режаларини тузиб чиқдилар. Дастлабки ўзбек совет мактаблари маблағдан қисиб қўйилган, уларда ўқув воситалари ва қўлланмалар етишмасди. Пул етишмаслигига асосий сабаб эса маъмурларнинг оддий аҳолининг билимли бўлишига нисбатан мустамлакачилик муносабатида бўлиши эди. 1918-1920 йиллар даврида рус тилидаги ўқув юртлари ва оддий аҳоли болалари учун мўлжалланган мактабларни маблағ билан таъминланмасликка олиб келди. 1918 йил 18 июнда Тошкентда мусулмон

Ўқитувчилар институтида машғулотлар бошланди, у ерда бошланғич билим юртларига ўқитувчилар тайёрланар эди. Институтда А.Фитрат, И.Ҳаққий, К.Шамсо, И.Исмоилов ва бошқалар дарс беришди. Эндиликда бу тузум эски мактабларни тезроқ бузиб ташлаш мақсадида мактабдаги инқилобни жадаллаштириш мақсадида кескин чора тадбирлар белгилади. Бунда синф мураббийси вазифаси бекор қилиниб, мактаб қўмиталари ва ўртоқлик судлари жорий этилди.

1918 йил 25 ноябрда Маориф халқ комиссарлигининг буйруғи барча хусусий ўқув юртлари, ҳамма асбоб-ускуналари ва ходимлари, ўқув қўланмалари билан халқ таълими маҳаллий бўлимлари ихтиёрига берилди. Декабрда эса черков-қавм, рус-тузем ва бошқа типдаги мактабларни бекор қилиш ҳақида фармойиш эълон қилинди. Эски усул мактаблари, мадрасалар қайтадан ташкил этилмади, уларни давлат манбаалари маблағ билан таъминлашга йўл қўйилмади. Тошкентдаги 1919- йил январ воқеалари (“Осипов исёни”) мактаб тизимига, унинг европача қисмига ҳам таъсир этди. Январ воқеаларидан кейин орадан кўп ўтмай коммунист-ўқитувчиларнинг ташаббуси билан эски ўқитувчилар иттифоқига қарама-қарши ўлароқ байналминал ўқитувчилар иттифоқи ташкил этилди. Туркистонда мустамлакачи унсурлар билан синфий мурасизлик жанглари давом этмоқда эди. 1919 йилнинг 1 июлида Турк М.И.Қ “Туркистон республикасининг барча шаҳар, қишлоқларидаги энг яхши биноларни реквизиция қилиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ҳокимият идораларига шошилинич равшда маблағларни, мактабларни тузатиш ва

қуришга ажратиш буюрилди. Энди халқ таълимининг асосий вазифаси “муслмон мактаблари” ни ташкил этишдан иборат, деб ҳисобланади. Тарғибот учун кургазмали мактаблар ташкил этила бошлади. 1919 йилда Тошкентда Алмайи номидаги 1 ва 2 босқич мактаби очилди. Ю. Ражабий ва И. Икромов у ерда раҳбарлик қилдилар.

1920-1921 ўқув йилининг бошларида Туркистон Автоном Республикасида туб ерли миллат болалари учун 1- босқич мактабларининг (3 синфли ) сони 802 тага етди, 2- босқич мактаблари 4 та эди. 1920 йиллар мактаб қурилиши учун жуда оз миқдорда маблағлар ажратилган эди. Ана шундай шароитда ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам моддий аҳволи ниҳоятда оғир кечаётган эди. Шундай қилиб 1917-1920 йиллардаги халқ таълими соҳасида рўй берган ўзгаришларга 1920 йилда яқун ясалди. Аммо энди ҳокимият теппасига мустаҳкам ўрнашган болшевиклар фан, маданият ва таълим соҳасида янгича режалар туза бошладилар. Мақсад барча ёшдаги аҳолини саводсизлигини тугатиш билан бир қаторда уларга ёппасига “коммунизм алифбосини” ўргатишдан иборат эди. 1921 йил ноябрда Туркистон АССР ХКК республика аҳолиси орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида “декрет”<sup>1</sup> чиқарди. 1921 йилнинг охирида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 100 та саводсизликни тугатиш мактаби иш бошлади. 1923 йилда Туркистон АССР маориф халқ комиссариати ҳузурида саводсизликни тугатиш билан ўлка фавқулдда комиссияси тузилди. 1924 йилга келиб Туркистондаги мавжуд мактабларда 10200 киши саводини чиқарди.

1920 йиллар иккинчи ярмида халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши ҳукмрон кучлар томонидан узоқни кўзламай ва яхши ўйламай олиб борган сиёсатлари натижасида сиёсий манфаатлар йўлига бурилди. Янги зиёли кадрларни шакллантириш, эски мавжуд миллий зиёлеларни йўқ қилиш ана шу мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Шундай шароитларда маданият ва таълим соҳаси ривожини жамиятнинг маънавий ўсишига ҳалал берувчи, уни тўхтатиб қолувчи механизмга айланар эди. Янги совет мактаблари муаллимларга муҳтож бўлсада, эски мактаблар ва жаҳид усулидаги мактаблар муаллимларидан фойланилмади, аксинча уларга “душман” сифатида қаралди. 1927 йилда “За партию” журнали орқали сиёсий доиралар эски усулдаги ва жаҳид мактабларига қарши кураш эълон қилдилар, бунинг натижасида улар совет маъмурлари томонидан аста-секин беркитилди ва 1929 йилларга келиб ўз фаолиятини бутунлай тўхтатишга мажбур бўлди.

Ҳа, 1917-1929 йиллар Ўзбекистон тарихида сезиларли даражада мураккаб из қолдирди. Бу- таълим, илм- фан, маданият ва бошқа соҳаларида ўз аксини топди. Ана шу даврда ўзбек халқининг бир неча авлодлари куч-ғайрати билан иқтисодий ва маънавий салоҳият сезиларли даражада ошди. Бироқ буларнинг ҳаммасига халқнинг жуда катта меҳнати ва матонати билан эришилди, бунинг учун кўп қийноқларга дучор этилди ва ҳатто қурбонликлар беришга мажбур бўлди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ш. С. Гаффаров Россия империяси даврида Туркистонда илм-фан тизими 24-25 бетлар.
2. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент, «Узбекистан», 1983. – С. 212.
3. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2019; 62-бет.
4. Ўзбекистон Комсомоли (Ўзбекистон Комсомоли тарихидан очерклар). – Т.: Ёш гвардия, 1975. – Б. 71-72.
5. Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930-1950й.) // Ижтимоий фикр, 2002. – № 1. – 69.
6. Тожиева З.Н. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ижтимоий-демографик масалалари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2010, № 1-2. - Б.57.
7. Худаяров У.Ж. Аҳоли рўйхатининг жамият ҳаётида тутган ўрни. “Таълим фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни” мавзусидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг аънавий XII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. IV-қисм 15-17 бетлар. Самарқанд 2015.
8. Махмудова А. Н. и др. Медицина Узбекистана-достижения и перспективы развития сферы // Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
9. Махмудова А. Н. и др. Роль молодого поколения в формировании современного гражданского общества // Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).



10. Nugmanovna M. A. The role of social control in the legal socialization of the individual //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 712-721.
11. Makhmudova A. N. Legal socialization problems of personality in modern civilian society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 3. – С. 146-151.
12. Nugmanovna M. A. Factors and means of the content of legal socialization of the individual in modern civil society Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems
13. Джуракулов Х. А. Роль экологического правового сознания в развитии международных эколого-политических отношений //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2017. – №. 7-1. – С. 23-26.
14. Джуракулов Х. А. Необходимость трансформации экологических правовых знаний при формировании правового сознания молодежи //перспективы развития науки в современном мире. – 2019. – с. 140-146.
15. Djurakulov H. Pedagogic-didactic tasks of forming ecological legal consciousness of young generation //Modern jurisprudence: legal thought and enforcement practice. – 2017. – С. 4-8.
16. Djurakulov H. A. Необходимость согласования социальных и политических методов и средств в формировании экологического правосознания //theoretical & applied science. – 2020. – №. 1. – с. 262-265.
17. Вафаева Д. Б. Некоторые вопросы социального партнерства между органами государственной власти и институтами гражданского общества: опыт Узбекистана //Актуальные вопросы современной науки. – 2017. – №. 1. – С. 28-31.
18. Вафаева Д. Б. Деятельность и перспективы развития институтов гражданского общества в Самаркандской области (Узбекистан) //Актуальные вопросы современной науки. – 2016. – №. 2. – С. 49-53.
19. Вафаева Д. Б. Влияние политического сознания на формирование и развитие гражданской культуры //International scientific review. – 2020. – №. LXX.
20. Suyunova K.B. // Governmental support of innovation in the sphere of tourism // INNOVATIONS IN ECONOMY №4 (2020), 79 p.
21. Мажидов Ш. Ф. К вопросу об этнокультурной безопасности (на примере Центральной Азии) //Власть в логике и риторике межнациональных и межконфессиональных отношений. – 2017. – С. 78-81.
22. Мажидов Ш. Ф., Саидова Х. Реформы в сфере образования и личность преподавателя //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2007. – Т. 5.
23. Мажидов Ш. Развитие этнокультурных процессов в центральной Азии и центральной Европе: сравнительный анализ //Общество и этнополитика. – 2015. – С. 352-356.
24. Sabirovna S. G. Innovative thinking and heuristics //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research



- Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 568-574.
25. Sultanova G. Metodology and way of thinking in postnonclassical phylosophy (epistemological analysis) //Міжнародний науковий журнал. – 2016. – №. 6 (3). – С. 94-96.
26. Sultanova G. Metodology and way of thinking in postnonclassical phylosophy (epistemological analysis) Концептуальные проблемы постнеклассического стиля научного мышления //В журнале опубликованы научные статьи по актуальным проблемам современной науки. Материалы публикуются на языке оригинала в авторской редакции. Редакция не всегда разделяет мнения и взгляды авторов. Ответственность за достоверность фактов, имен, географиче-ских названий, цитат, цифр и других сведений несут авторы публикаций. При использовании научных идей и материалов этого сборника, ссылки на авторов и издания являются обязательными. – 2016. – С. 94.
27. Махмудова А. Н. Правовая социализация молодого поколения в правовом государстве //дистанционные возможности и достижения науки. – 2020. – С. 97.
28. Махмудова А. Н., Ахмеджанова Д. М. Вопросы воспитания гармонично развитой молодежи в воззрениях джаидов и современность //Главный редактор. – 2017. – С. 90.
29. Nugmanovna M. A., Kamariddinovna K. A. Modern biotechnical problems of medicine and their solutions //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 169-173.
30. Salizhonovna S. Y., Ziyodullaevna M. M. Issues of social justice and punishment in temur's structures //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 165-168.